



## КИЧИК БИЗНЕСНИ СУБЪЕКТЛАРИДА ИННОВАЦИОН МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЛОЙИХАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Бабаханов Джамолиддин Яндирович**

Наманган муҳандислик-технология институти

ORCID: 0009-0004-4705-1144

**Аннотация.** Мақолада кичик бизнес субъектлари фаоляитни самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш айниқса инновацияга асосланган маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича илмий лойиҳаларни тижоратлаштиришнинг назарий асослари, ташкли этиш механизмлари ва инфратузилмадан самарали фойдалани бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, ишлаб чиқариш, инновация, инновацион маҳсулот, тижоратлаштириш.

## ВОПРОСЫ КОММЕРЦИАЛИЗАЦИИ ПРОЕКТОВ ПО ПРОИЗВОДСТВУ ИННОВАЦИОННОЙ ПРОДУКЦИИ В СУБЪЕКТАХ МАЛОГО БИЗНЕСА

**Бабаханов Джамолиддин Яндирович**

Наманганский инженерно-технологический институт

**Аннотация.** В статье разработаны предложения и рекомендации на теоретической основе коммерциализации научных проектов, организационных механизмов и эффективного использования инфраструктуры, для повышения эффективности деятельности субъектов малого предпринимательства, производства, особенно по выпуску продукции. основанный на инновациях.

**Ключевые слова:** малый бизнес, производство, инновация, инновационный продукт, коммерциализация.

## ISSUES OF COMMERCIALIZATION OF PROJECTS FOR THE PRODUCTION OF INNOVATIVE PRODUCTS IN SMALL BUSINESSES

**Babakhanov Jamolidin Yandirovich**

Namangan Institute of Engineering and Technology

**Abstract.** The article develops proposals and recommendations on a theoretical basis for the commercialization of scientific projects, organizational mechanisms and the effective use of infrastructure to improve the efficiency of small businesses and production, especially in terms of product output. based on innovation.

**Key words:** small business, production, innovation, innovative product, commercialization.

### Кириш.

Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитларида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори ўсиш суръатларини тامينлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига дарҳол мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлай олишга қодир бизнес субъекти ҳисобланади. Мамлакатимиз олимларидан Болтабаев ва бош. (2011) “Кичик тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш кенгайиб бориши билан уларнинг техник таъмирлаш, моддий-техника таъминоти, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш, коммуникация ва алоқа, маслаҳат ва ахборот каби бир қатор хизмат турларига талаби ортиб бораверади. Чунки кичик тадбиркорлик субъектларига юридик шахс мақомини бериш билангина иш битмайди. Уларнинг тўлақонли фаолиятини фақат мукамал ташкил этилган инфратузилма бўлинмалари орқалигина тасаввур этиш мумкин. Инфратузилма иқтисодий тизимнинг бир қисмини ташкил этиб, у ишлаб чиқаришнинг бир маромда фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратади” деб изоҳлаган (Болтабаев, ва б., 2011). Бугунги кунда жаҳон амалиётида инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кичик бизнес субъектларига устуворлик берилмоқда бу эса ўз навбатида инновацияга асосланган маҳсулотга бўлган талабни қондириш имкониятини оширади.

### Адабиётлар шарҳи.

Ушбу мавзу бўйича олимлар томонидан бир қатор тадқиқот ва илмий изланишлар олиб борилган бўлсада инновацион маҳсулотни ишлаб чиқариш лойиҳаларни тижоратлаштириш орқали кичик бизнесни ривожлантириш асослари ва ёндашувлари турличалиги кўрсатмоқда. Олимлар томонидан ўтказилган тадқиқот ишларини натижалари бўйича кўплаб халқаро конференция, давра суҳбатлари, анжуман ва диссертация ишларида келтириб ўтганлар.

МДХ мамлакатдари олимлари Крутик, Ильиналарнинг (2013) фикрича “Илмий ишланмаларни жорий этиш орқали хўжалик юритувчи субъектлар, ҳудудлар ва давлат уларнинг рақобатбардошлигини оширади. Агар тадбиркорлик соҳасини тўғридан-тўғри кўриб чиқсак, шуни унутмаслигимиз керакки, тадбиркор учун потенциал миқозни қизиқтириш, истеъмолчиларнинг янги гуруҳларини жалб этиш, шу орқали рақобатбардошлик даражасини ошириш муҳим, буларнинг барчаси инновациялар ва инновацион технологиялардан фойдаланиш орқали амалга ошириш керак”.

Тадқиқотчилардан Колесная (2022) ва бошқаларга кўра. Тижоратлаштириш алоҳида фаолиятдир бу тадқиқот ишларини давом эттириш имкониятини оширади. Тижоратлаштириш жараёни инновацион лойиҳага олинган тажриба ва билимлардан фойда олишга ҳамда ушбу йўналиш орқали бизнес жараёнлар самарадорлигини оширишга эришилади деб таъкидлаган.

Иқтисодчи олим Пелликага (2009) кўра “Инновацияга асосланган маҳсулот ишлаб чиқаришни молиялаштиришда тижоратлаштириш лойиҳаси шу жумладан стартап лойиҳаларини молиялаштириш орқали бизнес кўламини кенгайтириш, бозорда талаб-таклиф мувозанатини тартибга солиш, маҳсулот тан-нархини камайтиришга эришилади” деб таъкидлаган.

Мамлакатимиз олимларидан Джалилованинг (2022) келтиришича Мамлакатнинг рақобатбардошлиги алоҳида корхоналарнинг рақобатбардошлиги асосида ривожланади. Ҳар бир корхона рақобатбардошлик билан таъминланган афзалликларга эришиш учун ўз стратегиясини қўллаиди. Бироқ, муваффақиятли компанияларнинг эволюцияси ва ривожланиши табиати ўхшаш бўлади, чунки компаниялар

инновацияларга асосланган рақобатдош устунликларни яратадилар деб таъкидламоқда. Шунингдек Джалилова (2022) корхоналаридаги инновацион жараёнлар кучсизлигининг сабаби атрофлича талқин қилган.

Норовнинг (2020) тадқиқот натижаларига мувофиқ инновацион ривожланиш йўлини танлаган корхоналар рақобатбардош бўлиб, бозорда етакчи компанияларга айланадилар. Сифатли ва ўз вақтида яратилган инновацияларга асосланган рақобат корхоналарнинг фаолият давомийлигининг муҳим шarti саналади ҳамда янги илмий натижаларни ривожлантириш ва тижоратлаштиришда ҳал қилувчи омил эканлигини қайд этган. Шунингдек, Норов (2020), инновацион фаолиятни тўпланган технологиялар, билимлар ва усқуналарни тижоратлаштиришга мўлжалланган технологик, илмий, ташкилий ва молиявий чора-тадбирлар мажмуаси деб таърифлаш мумкин деб келтириб ўтган.

Мағорзата Малеснинг (2021) назарий асосларига кўра “Тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш катта харажатлар ва хавфлар билан боўлиқ, шунинг учун бундай фаолиятни амалга ошириш натижасида юзага келиши мумкин бўлган фойда ва зарарларни таҳлил қилиш жуда зарур. Умуман олганда, тижоратлаштириш жараёнини амалга ошириш тўғрисида ижобий қарор ички даромад даражаси қабул қилинган хавф даражасида бўлганда қабул қилинади” деб асослаган.

#### **Тадқиқот методологияси.**

Инновацион маҳсулотни ишлаб чиқариш лойиҳаларни тижоратлаштириш орқали кичик бизнесни ривожлантириш юзасидан илмий тадқиқотларни ўрганиш, қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

#### **Таҳлили ва натижалар муҳокамаси.**

АҚШда кичик ва бизнес субъектларини илмий-тадқиқот фаолияти, янги илмий ҳажмдор маҳсулот намуналарини ишлаб чиқиш ва яратишда фаол иштирок этмоқда. Ихтиро ва инновацияларнинг асосий қисми ҳам таълим муассасалари, ҳам йирик корпорациялар билан ҳамкорлик қилувчи кичик ва бизнесга тўғри келади<sup>117</sup>.

Инновацион фаолият доирасида инновацион ғояларни яратувчидан ишлаб чиқувчигига ўтказиш механизми назарда тутилиши керак. Технопарклар ва бизнес-инкубаторларнинг асосий афзаллиги тадқиқот фаолияти ва тадбиркорликни бирлаштириш имкониятларини кенгайтириш билан бирга инновацион инфратузилма сарадорлиги оширади.

Кичик бизнесда инновацион тадбиркорлик, айниқса илмий ҳажмдор маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш жараёни, тегишли қўллаб-қувватлаш институтлари ва дастурлари ёрдамида амалга ошириладиган бир неча асосий босқичларни ўз ичига олади (1-расм).

Биринчи босқичда бизнес ғояси шакллантирилади. Бунда тадбиркорлик субъектлари билан олий таълим ёки илмий ташкилотларни интеграциялашувини амалга ошириш муҳим аҳамиятли ҳисобланади. Айрим тадбиркорга бизнес-режани тузишда, субъектни ривожлантириш мақсадлари, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки мавжуд инновацион ғоя асосида тадбиркорликни бошлаш вазифалари ва йўналишларини белгилашда юқорида таъкидланган интеграция масалини амалга ошириш долзарб ҳисобланади. Иккинчи босқич инновацион маҳсулотни тижоратлаштириш имкониятларини аниқлаш мақсадида илмий-техникавий ишланмаларни экспериментал синовдан ўтказишдан иборат бўлиши керак.

<sup>117</sup> Малый и средний бизнес в США: [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.damu.kz/8003>



**1-расм. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси орқали бизнес ғояни амалга ошириш схемаси<sup>118</sup>**

Учинчи босқичда тижоратлаштириш лойиҳаларни молиялаштиришда давлат ҳисоби ёки инвесторларга йўналтириш орқали инновацион инфратузилмаларидан самарали фойдаланиш имконияти ошади.

Илмий-техника тараққиётининг ҳозирги босқичидаги инновацион фаолият илмий-техникавий ғоялар, ихтиролар ва ишланмаларни ишлаб чиқаришда амалий фойдаланишга йўналтиришга қаратилган. Энг яхши инновацион ғоялар, ихтиролар ва инновацияларга бўлган талаб мавжуд ва уни амалга ошириш учун инновацион инфратузилма имкониятлари кенгаймоқда.

Ҳар бир корхона у тақдим этган имкониятдан турли объектив ва субъектив сабабларга кўра амалга ошма қолиш эҳтимоли мавжуд. Инновацион ғоя нафақат ишлаб чиқиши ва ишлаб чиқаришга тадбиқ этилишида лойиҳани тижоратлаштириш имкониятига эга бўлиши керак. Бу эса рақобатдан ҳоли бўлиш имкониятлари келтириш чиқариш эҳтимоли ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Инновацион фаолият бир марталик ҳодиса эмас. Такмиллаштириш ва ривожлантириш айниқса тижоратлаштириш жараёнлари йиклда бўлиши керак. Шунинг учун инновацион фаолиятни корxonанинг динамик иқтисодий ривожланишининг асоси сифатида кўриб чиқиш керак. Бундай инновацион фаолиятнинг асосини корxonанинг илғор инновацион ривожланиш стратегияси ташкил этади. Шунинг учун корхонада инновацион фаолиятни режалаштиришда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш керак:


- таклиф этилаётган инновацияларнинг асосийлиги;
- корxonанинг инновацияларни жорий этишга этишга тайёрлиги;
- инновацияларни жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлар;
- инновацион жараённинг табиати;
- инновацион жараёнда маҳаллий, шу жумладан ўзимизнинг илмий-техникавий ишланмалар ва ускуналардан фойдаланишнинг устуворлик бериш даражасига эътибор қаратиш;
- корxonанинг етакчи илмий-тадқиқот, конструкторлик ва лойиҳалаш ташкилотлари билан муносабатларининг табиати ва уларни кўп қиррали кенгайтириш имконияти.

Корхоналарда инновацион жараёнларнинг икки томонламалигини ҳисобга олиш керак. Бу жараёнлар фан ва техника имкониятлари ва билим талаб қиладиган ишлаб

<sup>118</sup> Муаллиф ишланмаси.


чиқаришни ривожлантириш эҳтиёжлари ўртасидаги узлуксиз ўзаро таъсирда содир бўлади.

Маълум бир фан ва техника ютуғини ундан самарали фойдаланиш мумкин бўлган бир нечта корхоналарда ишлаб чиқариш соҳасига жорий этиш тизими мавжуд (2-расм).



2-расм. Фан-техника ютуқлари асосида инновацион фаолиятни амалга ошириш механизми<sup>119</sup>

Инновацион фаолиятнинг бу тури кўпинча амалга ошириладиган фан-техника ютуғини ишлаб чиқувчилар ташаббуси билан ёки уни манфаатдор корхоналарга сотмоқчи бўлган ютуқ эгаларининг ташаббуси билан амалга ошириш мумкин.



3-расм. Фан-техника ютуқлари асосида инновацион маҳсулот яратишда корхоналар билан интеграциялаш фаолияти<sup>120</sup>

<sup>119</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>120</sup> Муаллиф ишланмаси.

Инновацион маҳсулотни ишлаб чиқариш одатда тегишли кўникма ва билимга эга бўлган ишлаб жамоа томонидан ёки корхона томонидан, ёки бўлмаси жамоа ва корхона билан биргаликда амалга ошириш мумкин.

Ишлаб чиқилган инновацион ишланма ёки лойиҳани ишлаб чиқариш чиқаришга амалиётга жорий этиш натижадорликка эришиш, молиялаштиришда қўллаб-қувватлашда давлат томонидан молиялаштиришда таянч бўлса биринчидан инновацияга асосланган маҳсулотни бозорда реализация қилишга ва янгитан ишчи ўринлари яратишга кенг имкониятлар пайдо бўлади. Инновацион инфратузилмани такомиллаштиришнинг энг мақбул вариантларидан бири бу ишлаб чивариш билан фан-технология ютуқларини интеграциялаштириш ҳисобланади. Қоида тариқасида, бундай инновацион инфратузилмани яратиш субъектларни ҳар томонлама ривожлантиришга имкон яратади. Бундай комплекс инновацион ривожланиш бутун ишлаб чиқариш инновацион тизими даражасини оширадиган барча ишлаб чиқариш қўйи тизимларига қаратилган бўлиши керак (3-расм).

Кичик инновацион корхоналарни ривожлантиришнинг муваффақияти нафақат уларнинг инновацион салоҳиятига, балки уни ривожлантириш шартларига, инновацияларни қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси механизмининг шаклланиш даражасига ҳам боғлиқ.

### Хулоса ва таклифлар.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки кичик бизнес субъектларини инновацион инфратузилманинг турли элементларини қўллаш орқали муаммоларини ҳал этишни таъминлайди бунда:

- дастурий таъминот ва ахборот билан таъминлаш;
- тадбиркорлик инновацион ечимларини ишлаб чиқариш ва технологик қўллаб-қувватлаш;
- ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаш;
- бозорда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш; интеллектуал фаолият, илмий ишланмалар ва тадқиқотлар натижаларини илгари суришда ёрдам бериш;
- тадбиркорлик инновацион лойиҳалари ва маҳсулотларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш;
- консалтинг ёрдамни кўрсатиш; инновацион тадбиркорлик фаолиятида кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этишдан иборат.

### Адабиёт / Литература / Reference:

Małgorzata Malec. (2021) *Commercialization Processes of Innovative Solutions Developed at the KOMAG Institute – Thresholds and Barriers. Engineering and Technology. MAPE, volume 4, issue 1, pp. 266-280*

Pellika J. (2009) *Problems of commercialisation in Small Technology-based Firms. Int. J. Entrepreneurship and Innovation Management, Vol. 9, No. 3, P-455*

Болтабаев М.П. ва бошқалар. (2011) *Кичик бизнес ва тадбиркорлик. /Ўқув қўлланма// –Т.: Ношир, б-140.*

Джалилова Н. (2022) *IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSIYALARNING ROLI // мақола. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" (Economics and Innovative Technologies) ilmiy elektron jurnali. 1/2022, yanvarfevral (№ 00057). Б-242*

Колесяна И.Н. (2022) *ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ КОММЕРЦИАЛИЗАЦИИ И ИНСТРУМЕНТАРИЙ МАРКЕТИНГОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЕКТОВ В РЕСПУБЛИКЕ БЕЛАРУСЬ. // статья. Бухгалтерский учет и анализ 1/2022. С-45.*

Крутик А.Б., Ильина Л.В. (2013) *КОММЕРЦИАЛИЗАЦИЯ КАК ПУТЬ РЕАЛИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ РАЗРАБОТОК// статья. Экономика журнал. т. 7, № 1 С-51*

Мухитдинов, Ш. (2023). ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА РИСКЛАР ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 1(2), 192-199.

Мухитдинов, Ш. (2023). ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШНИНГ МЕТОДИК ЁНДАШУВИ. *Iqtisodiyot va ta'lim*, 24(4), 117-122.

Мухитдинов, Ш. З. (2021). Тадбиркорлик субъектларида хатарларни бошқаришнинг назарий-услубий асослари. *Scientific progress*, 1(6), 939-943.

Норов А.Э. (2020) ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" *Ilmiy elektron jurnali*. № 1, yanvar-fevral.